

АҲОЛИНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИНИ ЭШИТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ НАТИЖАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш бошида жорий йилнинг беш ойидаги иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар қайд этилди. Бу даврда саноат 6,4 фоиз ўсган, экспорт миқдори 18 фоиз, хорижий инвестициялар 46 фоиз ошган. Қиймати 3 миллиард долларлик 2 минг 500 дан зиёд янги қувват ишга тушган. 2 миллион 400 минг одам даромадли бўлган.

Шу билан бирга, дунёда турли можролар авж оляпти, савдо алоқалари ва логистика қийинлашяпти. Тинчлик, адолат ва инсон ҳақларини улуғлашга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ошиб борапти.

Шунинг учун ҳокимлар ва вазирлар имкониятларни тўғри баҳолаб, ташаббус кўрсатиб ишлаши, аҳоли ва бизнес вакиллари билан мулоқотни янада кучайтириб, муаммоларни тез-тез ҳал қилиб бериши зарур.

Йиғилишда бу масала ҳудудлар ва тармоқлар кесимида таҳлил қилиниб, тизимли камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, ҳар бир тумандаги 40 дан зиёд ташкилотда ўртача 500 нафар ҳодим ишлайди. Лекин айрим оддий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам вилоятдан, улар эса республикадан руҳсат олиши керак. Ёки ваколати ва маблаг етарли бўлган ташкилотлар ўзини “назоратчи” деб билиб, аҳолининг оғирини енгил қилиш билан шугулланмаяпти.

Вазирлар, ҳукуматдаги масъуллар тартиб-интизомга қаттиқ эътибор бермагани учун ислохотлар ижроси чўзилиб кетяпти. Суд қарорлари вақтида бажарилмаётгани юзасидан ҳам муносабатлар кўп.

Йилнинг қолган даврида 26,5 миллиард доллар инвестиция киритилиши, 1 сентябргача 3,3 миллиард долларлик 35 та йирик лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган.

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент халқаро инвестиция форумида 30,5 миллиард долларлик савдо ва инвестиция шартномалари имзоланди. Улар бўйича ҳам тизимли иш олиб бориш керак.

Шу боис, йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан

ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

Бундан буён ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлади, унинг ваколатлари кенгайтирилади. Берилган маблағларнинг фақат тўғри сарфланиши эмас, балки нима самара бергани, аҳоли бундан қанчалик рози бўлгани ҳам ўрганилади. Палата бу таҳлиллардан келиб чиқиб, давлат раҳбарига тақлифлар киритади. Президент Администрациясининг Назорат инспекцияси тугатилади.

Тошкент шаҳрида ўзини оқлаган “Халқ назорати” электрон портали бутун республикада ишга туширилади. Бу тизим муносабатларнинг ягона платформаси бўлади ва унга барча вазирлик, идора, ҳокимликлар уланади. Охирги пайтларда Халқ қабулхоналари аҳоли дарадини эшитиб, масалаларни ҳал қилиш ўрнига, муносабатларни давлат ташкилотларига тақсимловчи востачига айланиб қолган эди. Жойлардаги муаммолар ҳал бўлмагани учун ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар кўпайган.

Президентимиз аҳолининг дарду ташвишларини эшитиб, одамларга шароит яратиб бериш раҳбарларнинг асосий вазифаси эканини таъкидлади.

— Ҳар бир муносабат ортида инсон тақдир, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, Халқ қабулхоналари таркиби фидойи мутахассислар билан тўлдирилиши айтилди. Энди Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилади. Улар ҳар куни ишини аҳоли дарди ва ташвишларини эшитишдан бошлайди. Бугун тугилган муаммони кейинга ўтказишга йўл қўйилмайди. Муносабатни бошқа идорага юбормасдан, шу жойнинг ўзида ҳал қилиди. Бунинг учун туман ҳокимининг ваколатлари кенгайтирилади.

Масалан, ҳокимда туман ташкилотлари штатини тақсимлаш, яхши раҳбарни рағбатлантириш, сустроғини вазифасидан озод

қилиш бўйича ваколат йўқ. Ҳоким ҳам, ўринбосарлари ҳам кўп вақтини йиғилиш ўтказишга сарфляпти.

Кўйи бўғиндаги штатлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадига мос эмас. Тармоқ ташкилотлари кўп йиллик режалар дастурини қилиб, ташаббус кўрсатмаяпти, кунлик топшириқлар билан овора.

— Туман бўғини самарали ишламаса, юқоридан қандай топшириқ туширилмасин, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари шунга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Энди туманларда ёндашув ҳам, бошқарув тизими ҳам ўзгаради. Бу йил Сурхондарё вилотида ҳамда 16 та ҳудудда — Бектемир, Қўнғирот, Чимбой, Асака, Ёйдовон, Ғаллаорол, Яқкабғо, Хатирчи, Чортоқ, Булунгур, Сирдарё, Кува, Шовот, Ҳазорасп туманлари, Марғилон ва Янгийўл шаҳарларида янгича бошқарув жорий этилади.

Яъни иқтисодиёт ва молия, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, бандлик, қурилиш, экология, маданият, оила ва хотин-қизлар, ёшлар масалалари бўйича 9 та давлат идорасининг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади. Улардаги жами штатларни тақсимлаш, ишга олиш ва бўшатишни ҳоким ҳал қилади. Туманлар ихтиёрида қоладиган маблағлар манбаси кўпайтирилади.

Энди ҳокимда 4 нафар ўринбосар бўлади. Туман ё шаҳарнинг ривожланиш режасига қараб, қайси соҳа бўйича ўринбосар бўлишини унинг ўзи белгилайди. Ҳоким ўринбосарига аниқ вазифалар юклатилиб, ҳар бир вазифа ва функцияси маблаг билан мустаҳкамланади.

Ҳоким ва унинг ўринбосарлари самардорлик кўрсаткичларини тўлиқ бажарса, кейинги йил ҳудудга бериладиган маблаг 10-15 фоиз кўпайтирилади. Акс ҳолда, маблаг оширилмайди ва масъул раҳбар ишдан кетади.

Туманда соҳа мутасаддилари ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар штаби” тузилади. У орқали маҳаллар кесимида

лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланади. Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланади.

Бу янги тажриба натижаларга қараб, келгуси йилдан бутун республикамизда йўлга қўйилади.

Яна бир муҳим янгилик — ишчан ва жозибадор муҳит яратиш учун 1 августдан барча вилоят ва туман ҳокимликларида иш ҳақи оширилади, ҳодимларга ишга қараб ойлик устама ва қўшимча бонус берилади.

Лекин ўзига юклатилган вазифани бажара олмаганларга чора қўрилади. Ана шунда ҳамма интизом ва режа билан ишлашга ўрганади.

Йиғилишда ҳудудларда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, инвестиция ва экспорт ҳамда муҳитни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Солиқ маъмуричилигини яхшилаб, аҳоли тадбиркорлигини ва иш ўрни яратишни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллаларга сув олиб бориб, мева-сабзавот етиштириш, замонавий агротехнологиялар орқали экспортни кўпайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Урмон ва яйловлардан чорвачиликда фойдаланиб, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш, озик-овқат инфляциясини жилавлан чора-тадбирлари белгиланди.

Шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш, йўл ҳаракатини тўғри ташкил қилиб, тирбандлик ва автохалокатларни камайтиришнинг аҳамияти қайд этилди. Одамлар сайр қиладиган жойлар, яшиллик ва болалар майдончаларини кўпайтириб, халқни рози қилиш талаби қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир, ҳукумат аъзолари ва ҳокимлар ахборот берди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан “Марказий Осиё — Хитой” форматидagi иккинчи саммитда иштирок этиш учун 17 июнь куни амалий таширф билан Остона шаҳрида бўлади.

Тадбирда минтақа давлатлари раҳбарлари ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилади. Яқинда қўша ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Саммит доирасида Ўзбекистон Президенти Хитой Раиси билан икки томонлама учрашув ҳам ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, бу форматдаги биринчи саммит Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида 2023 йил май ойда Хитойнинг Сиань шаҳрида бўлиб ўтган эди.

ЎЗА



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммитида иштирок этади.

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ХИТОЙ”: МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Мазкур платформанинг асосий мақсади минтақа давлатлари ва Хитой ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақаларо ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сайё-ҳаракатларни жадаллаштиришдан иборат.

Формат кун тартиби доирасида глобал ва минтақавий, сиёсат, хавфсизлик,

савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, ҳудудларо алоқалар, қишлоқ хўжалиги, энергетика, “яшил” энергетика, божхона, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий тараққиёт стратегияларини “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан уйғунлаштириш бўйича фикр алмашилади.

Давоми 2-бетда



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЖАМИЯТ РАВНАҚИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ўзгаришларни амалга оширмоқда. Бу ўзгаришлар мамлакатимизни хорижий инвесторлар учун жозибадор масканга айлантираётгани аниқ ҳақиқат. Бунга Ўзбекистон ҳукуматининг инвестицияларни рағбатлантириш ва бизнес юритиш шароитларини яхшилаш мақсадида қатор муҳим ислохотларни амалга оширгани асос бўлди. Ялпи ички маҳсулот кейинги саккиз йилда 2 баробар кўпайгани, ўтган йили инвестиция қиймати 35 миллиард долларга, экспорт 27 миллиард долларга етгани тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг ҳам амалий натижасидир.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси халқаро рейтингларда ҳам ўзининг муносиб аксини топмоқда. Мамлакатимизнинг Иқтисодий эркинлик индексидаги ўрни сўнгги беш йилда

48 поғона юқориланди. Гарварднинг Иқтисодиёт мураккаблиги индексидаги ўрнимиз 28 поғона яхшиланди.

Давоми 4-бетда

ҚУРИЛИШ ВА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида режалаштирилган қурилиш ва жамоат транспорти лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Сўнгги йилларда изчил ошган инвестициявий жозибадорлик туфайли пойтахтимизда бунёдкорлик суърати жадал. Кўп қаватли уй-жойлар, меҳмонхоналар, бизнес марказлари, маданият ва спорт мажмуалари шаҳар имкониятларини кенгайтирмоқда. Янги Тошкент қурилиши ҳам бошланиб, иккинчи замонавий мегаполисга айланмоқда.

Узоқ йиллар хизмат қиладиган бундай ишларда, албатта, сифат жуда муҳим. 13 май кунини шу масала бўйича йиғилиш ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари қурилишда сифат ва хавфсизлик биринчи ўринда эканини таъкидлаб, бу йўналишларни илмий ривожлантириш, соҳага замонавий ёндашувларни жорий этиш бўйича кўрсатмалар берганди.

Бугунги тақдиротда шу борада бажарилган ишлар ҳақида ахборот берилди. Топшириққа биноан, янги лойиҳалаштирилаётган кўп қаватли биноларнинг хавфсизлик талабларига мослиги қайта ўрганиб чиқилган. “УЭГАШКЛИТИ”, Фанлар академияси Сейсмология институтини, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, санитария-эпидемиология каби 10 га яқин ташкилотнинг илмий-техник хулосалари олинган. Янги талабга кўра, кўп қаватли биноларнинг зилзилага бардошлилиги 9 баллдан кам бўлмайди. Ҳар бир шундай лойиҳа бўйича йиғма хулосалар қилинади.

Осмоўўлар иншоотлар, янги мажмуалар кўпайгани сари уларга барқарор электр энергияси ҳам зарур. Шу боис, Чилонзор туманида 160 мегаваттлик янги подстанция қурилиши режалаштирилган. Бу орқали шу ҳудуддаги бўлажак лойиҳалар учун қўшимча қувват пайдо бўлади, ҳозирги тармоқларга юклама тушмайди.

Шунингдек, ушбу туманда 20 минг куб метр сиғимга эга сув резервуари барпо этилиши мўлжалланган. Натижада Шайхонтоҳур, Чилонзор ва Учтепа туманларида ичимлик суви таъминоти узлуксизлиги таъминланади. Қунига қарий 8 минг киловатт-соат электр тежаляди.

Тошкент шаҳри кўлаб ишбилармонлик тадбирлари, форум ва кўргазмаларга мезбонлик қилмоқда. Шундай жойлардан бири Central Asian Expo Uzbekistan — САЕХ мажмуаси. Халқаро анжуманлар доирасида тури урчагулар ҳам ўтказилишини инобатга олиб, бу ерда музокара заллари қурилиши кўзда тутилган.

Шаҳар жозибадорлигининг яна бир муҳим омил — қўлай жамоат транспорти. Пойтахтимизда ҳам автобус, ҳам метрополитен йўналишлари изчил кенгайтириб бориламоқда.

Аввал хабар қилинганидек, метрополитени Тошкент трактор заводи даҳасигача олиб бориш режалаштирилган. Буни

2 босқичда амалга ошириш назарда тутилмоқда. Биринчи босқичда Чилонзор йўлининг Пушкин бекатидан Тошкент ҳалқа йўлигача ер юзаси бўйлаб метро йўли қурилади. Иккинчи босқичда у ердан Тошкент трактор заводи даҳасининг шоҳ бекатигача ер ости йўли барпо этилади.

Шунингдек, транспортлар ҳаракатига қўлайлик яратиш мақсадида мазкур темир йўлни Тошкент ҳалқа йўли остидан ўтказиш назарда тутилмоқда. Ер ости йўналиши ҳам кўчадаги ҳаракатни тўхтатмаган ҳолда қурилади. Бу янги метро йўли 85 минг йўловчинини қамраб олиши кутилмоқда.

Ушбу соҳадаги яна бир истиқболли лойиҳа — Янги Тошкент шаҳрига метро йўлидир. У ҳозирги “Дўстлик” метро бекатидан бошланиб, янги марказгача боради. Ҳозирги 21 километр, 9 та бекатдан иборат бўлиши кутилаётган бу метро қунига 230 минггача йўловчиларни қамраб олади.

Тақдиротда ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий жиҳатлари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари қурилиш сифати ва маданиятини ошириш, одамларга қўлай шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ: УРГУТДА ИЛДИЗ ОТГАН ОРЗУЛАР ВА МЕҲНАТ САМАРАСИ



Имконият эшиги барча учун очик. Аммо ундан қай даражада фойдаланиш инсоннинг дунёқарashi, салоҳияти ва жасоратига боғлиқ. Янги Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар инсон кадрини эъзозлаш тамойилига асосланган.

Президентимиз таъкидлаганидек, фуқаро давлат учун эмас, давлат фуқаро учун хизмат қилиши керак, деган тамойил ҳар бир қарор ва амалий жараёнда ўз тасдиғини топмоқда.

Сўнгги йилларда ёшлар учун яратилётган шароитлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлар, аҳолини камбағалликдан чиқаришга хизмат қилувчи дастурлар мамлакатдаги янги сиёсий фикрлаш, ижтимоий қараш ва иқтисодий муҳитни яққол намоён қилмоқда.

Ана шу муҳитда фаолият бошлаган, давлат томонидан яратилган ишонч ва имкониятларни қадрлаб, ўз салоҳиятини амалга оширишга ҳаркат қилаётган тадбиркор ёшлардан биримиз.

Ҳар бир инсон ҳаётида бир қарорга қелишга туртки бўладиган ички куч бўлади. Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотлар ана шундай куч манбаига айланган. Йўлга қўйилган сиёсат фақат сиёсий ёки иқтисодий жараён эмас, у аввало, инсон тақдирига таъсир этувчи ҳаётий воқелиқдир.

Давоми 3-бетда

ОДАМЛАР ИШОНЧИ ВА РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ АСОСИЙ МАҚСАД

Гулнора МАРУФОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Кунни кеча Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакатимиздаги ислохотлар жараёнида янги босқични бошлаб беради. Зеро, ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган йиғилишда муҳокама этилган ҳар бир масала, берилган ҳар бир топшириқ ягона мақсад — халқимиз турмушини яхшилаш, давлат бошқарувида самарадорликни таъминлаш, одамлар ишончи ва розилигига эришишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирининг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият. Шунинг учун раҳбарлар бугуннинг талабидан келиб чиқиб, “эрта”ни кутмай, бир зумда, ўша жойнинг ўзида муаммони ҳал этишга ўтishi зарур.

Йиғилишда қайд этилган иқтисодий натижалар: саноат ўсиши, экспорт, хорижий инвестициялар ва янги қувватлар ишга туширилиши Ўзбекистон иқтисодиётидаги барқарорлик ва очиклик сиёсати самарасидир. Бироқ Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, режалар қоғозда эмас, ҳаётда бажарилгандагина ислохот дейилади. Бунинг учун ҳар бир бўғинда жавобгарликни кучайтириш, ҳокимларга зарур ваколатлар бериш муҳим қадам бўлди.

16 та туман ва шаҳарда пилот тарзда жорий этиладиган янги бошқарув тизими давлат бошқарувини амалий ва халққа яқин шаклга олиб чиқишга

лекин амалда ечим топувчи эмас, мурожаат тақсимловчи орган вазифасини бажариб келганини очик тан олишимиз керак. Янги тизимга кўра, ҳокимлар ҳар кунни ишни айнан аҳоли билан мулоқотдан бошлаши, мурожаатни ўз жойида ҳал қилиши бу ҳолатни тубдан ўзгартиради. Бунинг учун Сенат ва маҳаллий кенгашлар ҳам ўз назоратини кучайтиради.

Ижро интизоми учун Ҳисоб палатаси масъул бўлиши ва Президент Администрациясининг Назорат инспекцияси тугатилиши — бюрократик ортқича босқичларни қисқартиришга хизмат қилади. Мунтазам равишда халқ вакиллари сифатида биз, сенаторлар ижро ҳолати юзасидан жойларда очик муҳокамалар ўтказиб, натижалардан халқни хабардор этиб борамиз.

Ҳоким ва ўринбосарларини натижага қараб рағбатлантириш ёки жазолаш механизми ишлари давлат бошқарувидаги энг адолатли ва зарур ёндашувдир. Ҳар бир ҳудуднинг бюджетидан тортиб, бошқарув моделигача натижага боғланса,

Йиғилишда қайд этилган иқтисодий натижалар: саноат ўсиши, экспорт, хорижий инвестициялар ва янги қувватлар ишга туширилиши Ўзбекистон иқтисодиётидаги барқарорлик ва очиклик сиёсати самарасидир. Бироқ Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, режалар қоғозда эмас, ҳаётда бажарилгандагина ислохот дейилади. Бунинг учун ҳар бир бўғинда жавобгарликни кучайтириш, ҳокимларга зарур ваколатлар бериш муҳим қадам бўлди.

қаратилган. Ҳокимликка 9 та муҳим соҳанинг бўлимлари ўтиши, шпгт ва маблаг тақсими ваколати тўлиқ ҳоким қўлида бўлиши самарадорлик, жавобгарлик ва ташаббускорликни оширади.

Сенатор сифатида бу ташаббусни қўллаб-қувватлайман ва у салмоқли амалий натижа бериши учун жойларда Сенат вакиллари ваколати функциялари ҳам кучайтирилиши керак деб ҳисоблайман.

Кўп йиллар давомида Халқ қабулхоналари халқнинг дардини эшитувчи органга айланди,

раҳбарларда фақат ҳисобот учун эмас, халқ розилиги учун ишлашга рағбат пайдо бўлади.

Умуман олганда, ушбу йиғилиш ҳар бир раҳбар, ҳар бир сенатор, ҳар бир идора масъули учун кўзгу вазифасини бажаради. Унда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш Олий Мажлис Сенати аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Жойларда назорат, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва ижтимоий таъсирни ошириш учун вазифаларимизни сидқидилдан бажаришимиз керак.

Хизмат кўрсатиш соҳаси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ БАРҚАРОР ЎСЯПТИ

Кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келиб, иқтисодиётнинг асосий драйвери бўлмоқда. Бу барча соҳа ва тармоқлар ривожини билан узвий боғлиқ.

Бозор хизматлари қиймати сўнгги етти йилда 22 миллиард доллардан 63 миллиард долларга етди. Аҳоли даромади ва тўлов қобилияти 2 қарра, яъни 1500 доллардан 3000 долларга ошгани натижасида одамларда янги хизмат турларига талаб ортиб борапти. Шу билан бирга, юқори даромадли хизмат турларида аҳоли бандлиги ошмоқда. Олтинсиз экспортда сўнгги беш йилда илк бор хизматлар улуши 37 фоизга етиб, жами экспорт 16,5 фоиз ўсиши учун замин яратди.

Президентимиз раислигида жорий йил 7 февраль кунини ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ахборот технологиялари, туризм, авиация, таълим, тиббиёт, молиявий хизматлар соҳасида сўнгги беш йилда “катта сакраш” бўлгани таъкидланди.

Шақлланиб келаётган ва муҳим йўналишга айланаётган соҳа бу — хизматлар экспорти, хусусан, туризм, ахборот технологиялари ва молиявий технологиялар (финтек) асосидаги хизматлардир. Ушбу йўналишларда бизда ҳали ишга солинмаган жуда ҳам юқори салоҳият мавжуд.

Бугун кўрсатилаётган хизматларнинг 88 фоизи молия, транспорт, савдо, туризм, таълим, тиббиёт ва ахборот технологиялари ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг ривожланиши қолган соҳаларнинг ўсишига ҳам туртки бўлмоқда. Хусусан, ахборот технологиялари молия, таълим, электрон тижорат каби йўналишлар, транспорт соҳаси ривожини эса туризм, экспорт, логистика ва бошқа тармоқларнинг иқтисодий ўсишига ҳисса қўймоқда.

2024 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳудудларда 58 мингта янги савдо ва сервис объекти ишга туширилди, соҳада 2,6 миллионга яқин кишининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 150 та кўчада қиймати 1,3 триллион сўмлик 1,7 мингта хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, халқаро автомобиль йўллари бўйида 1,6 триллион сўмга тенг 1100 дан ортқ хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилди. Барча дастур доирасида хизмат кўрсатиш соҳасига 61,4 триллион сўмлик кредит ажратилди.

Аукцион орқали 475 гектар ер 7000 га яқин тадбиркорга берилди. Енгил турдаги кўчма савдо объектилари ташкил этиш учун 5900 та майдон сотилди.

Хизматлар ва туризм соҳасига ихтисослашган ҳудудларда 650 дан зиёд янги меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари ташкил этилиб, Ўстонлик ва Зомин туманларида қатор дор йўллари ўрнатилди. Натижада 2024 йилда хизмат кўрсатиш қиймати 818 триллион сўм бўлиб, 13 фоиз ўсиш эришилди. Бунда юқори ўсиш суръати алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида 26, молия хизматларида 21, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларда 13,3 фоиз ошди.

Жорий йил январь-март ойларида мамлакатда бозор хизматлари қиймати 210,8 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,6 фоиз кўпайди.



Қобил ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати қўмита раиси ўринбосари

Сайёҳлик соҳасида ўтган даврда 756,8 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32,4 фоиз кўпайди ва жами хизматлар экспортидаги улуши 43,7 фоизга етди.

Тизимли ислохотлар натижасида жорий йил апрелида Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида мутлақо янги ва мисли кўрилмаган натижага эришди — мамлакатимизга биринчи марта бир ойда 1 миллиондан зиёд хорижлик сайёҳ келди. Улар сони ўтган 4 ойда 3 миллиондан ортди.

Маҳаллий ва хорижий туристларнинг янги очилган йирик сайёҳлик объектилари келиши соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўймоқда. Туроператор ва турагентларнинг сони 194 тага, хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар сони 18 тага ва улардаги ўйинлар сони 1100 тага ортди.

Бундан ташқари, ўтган йили ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини мастер-режа асосида рўёбга чиқариш бўйича Шахрисабз туманида “Мираки тажрибаси” йўлга қўйилди. Ушбу тажриба асосида Сурхондарё вилоятининг Бойсун (Омонхона), Сарисий (Сангардак) ва Жарқўрғон (Оқтепа сув омбори) туманларида қиймати 2 триллион сўмлик,

йилига қўшимча 800 миллиард сўмлик хизмат кўрсатиладиган лойиҳаларни амалга ошириш бошланди.

Транспорт соҳасида 7 та янги самолёт сотиб олиниб, миллий авиация паркидаги ҳаво кемалари сони 93 тага етказилди.

Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли ва сайёҳларга қулай хизмат кўрсатиш инфратузилмаси яратиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ҳудудлар иқтисодий ўсишига туртки берувчи драйвер лойиҳаларни амалга ошириш тизимли йўлга қўйилди. Биринчи босқичда 330 та лойиҳа таллаб олинди, уларни амалга ошириш учун бюджетдан 268 миллиард сўм бўнак маблаг ажратилди.

Биргина Қўшқўпирнинг Шихмашҳад маҳалласида 5 миллиард сўмлик маблаг



ҳисобига қулай инфратузилмани таъминлаш орқали микросаноат шаклида ҳунармандлар маркази барпо этилмоқда. Ушбу марказ Шихмашҳад ва Ўзбекистон маҳаллаларидаги уй шароитида ёғоч ўймакорлиги билан шугулланувчи 60 га яқин ҳунармандни бир жойда жамлайди.

Мамлакатда алоқа ва ахборотлаштириш хизмати кўрсатиш қиймати 23,5 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,9 фоиз ошди. Шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари кўрсатишда телекоммуникация хизмати улуши 32,6 фоизга етиб, ўтган йилга нисбатан 6,7 фоиз камайган бўлса, ахборот технологиялари хизматлари улуши 45 фоизга етиб, ўтган йилга нисбатан 6,2 фоиз ошди.

Чекка ҳудудларда ҳам ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш мақсадида 15 та ҳудудда ИТ шаҳарчаси ташкил этилиб, уларда ёшларни ахборот технологиялари, чет тили ва бошқа замонавий касблар бўйича бепул ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Жорий йил якунига кўра бозор хизматларининг ўсиш суръатини 15,4 фоизга етказиш ҳамда соҳада 2,9 миллион одамни даромадли қилиш мақсадида 16 мингта лотин электрон савдога чиқариш орқали инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудларда 40,5 мингта янги савдо ва хизмат кўрсатиш объектини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 40 дан ортқ йирик савдо маркази ҳамда 600 дан зиёд хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилади.

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ХИТОЙ”: МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Бошланиши 1-бетда

Тизимли тус олаётган “Марказий Осиё — Хитой” мулоқоти, биринчи навбатда, ўзаро иқтисодий манфаатларга қаратилган. Хитой сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатларининг савдо ҳамкорлари орасида доимий равишда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Хитой капитали иштирокида минтақанинг барча мамлакатларида саноат, энергетика, транспорт, логистика ва савдо соҳаларида ўнлаб лойиҳалар амалга ошириляпти.

Марказий Осиё ва Хитой ишбилармон доиралари вакиллари томонидан ташкил этилган қўшма корхоналар сони бугунги кунда 6 мингта яқин. Минтақанинг Хитой билан умумий савдо айланмаси 2024 йилда 94,8 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2025 йилда ҳисоб-китобларга кўра, бу кўрсаткич 100 миллиард долларга етади.

Марказий Осиё “Бир макон, бир йўл” стратегиясининг асосий элементи бўлиб, унинг доирасида Европага янги транспорт йўлакларини яратиш учун йўللار, савдо марказлари ва логистика инфратузилмасини қуриш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Биринчи “Марказий Осиё — Хитой” саммити 2023 йил 18-19 май кунлари Сянъ шаҳрида бўлиб ўтган эди. Мазкур саммит Сянъ декларациясининг имзоланиши,

давлат раҳбарларининг ҳар икки йилда бир марта навбатма-навбат Хитой ва минтақа давлатларидан бирида учрашувлар ўтказиш механизминини йўлга қўйиш, шунингдек, идоралараро даражада ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш билан яқунланди. Натижада 9 та кўп томонлама ҳужжат имзоланди ва 19 та ҳамкорлик платформаси яратилди.

Хусусан, формат доирасида қишлоқ ҳўжалиги, ички ишлар, ташқи ишлар, таълим, транспорт, иқтисодиёт ва савдо вазирларининг, боқхона хизматлари раҳбарларининг учрашувлари, таҳлилий марказлар, ахборот агентликлари форумлари ва бошқа кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари ишга туширилди.

“Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммитига тайёргарлик 2025 йил апрель ойида Олмаотада бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирларининг VI учрашувидан бошланди. Унда Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги саммит кун тартиби муҳокама қилинди ва имзоланиши режалаштирилган ҳужжатлар келишиб олинди.

Таҳлилчиларнинг айтишича, бу формат минтақавий ҳамкорликнинг узок муддатли тизимига айланишини ваъда қилмоқда.

“Марказий Осиё — Хитой” форматининг фаол иштирокисини сифатида



Ўзбекистон Хитой билан икки томонлама асосда шерикликни муваффақиятли давом эттирмоқда. Икки давлат раҳбарлари ўртасида яқин, ишончли сиёсий мулоқот йўлга қўйилган бўлиб, бу икки томонлама ҳамкорликка барқарорлик ва динамика хусусият тақдим этмоқда.

2022 йилда Ўзбекистон ва Хитой икки томонлама муносабатларни мавсумий стратегик шериклик даражасига кўтарди. Бу мақом юқори даражадаги ўзаро ишонч, барқарорлик ва халқаро вазиятдан қатъи назар, ҳар икки томоннинг яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини акс эттиради.

Мазкур жиҳат, шунингдек, Ўзбекистон ва Хитойнинг кўп қиррали муносабатларини узок муддатли асосда мустаҳкамлаш ниятини тасдиқлайди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар бундай тараққиётнинг муҳим омилларидандир.

Улар мамлакатга йирик хорижий инвесторларни, жумладан, Хитой корпорацияларини жалб қилиш учун шароит яратди. Хусусан, Хитой компаниялари юртимизда энергетика, қурилиш, машинасозлик, кимё, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда Хитой Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий ҳамкорига айланган. 2024 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбoshiлаш ҳажми 13 миллиард доллардан ошди. 2011 йилдан буён ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитаси фаолият юритиб келяпти. Унинг 7-мажлиси 2024 йил 13 май кунини Тошкентда бўлиб ўтди. Хитой Ўзбекистоннинг инвестициявий шериклари орасида ҳам етакчи бўлиб қолмоқда. 2024 йилда умумий қиймати 1,9 миллиард долларлик 64 та лойиҳа ишга туширилди, 2017-2024 йилларда Хитой инвестицияларининг умумий ҳажми 23,1 миллиард долларни ташкил этди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда Хитой инвестицияси иштирокидаги 3,5 мингдан ортқ корхона бор. Улардан 220 таси 2025 йилда ташкил этилган. Парламентлараро ва ҳудудлараро ҳамкорлик ҳам фаол ривожланиб, маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда. Бу ўзаро ишонч ва ҳар томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга

интилишнинг юксак даражасини ифодалайди. Бунинг учун икки мамлакат халқлари ўртасидаги тарихий ришталар мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилапти.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг конструктив хусусияти бутун минтақавий кун тартибидан ижобий тенденциясини белгилаб беради, шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутати, шунингдек, “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё — Хитой” саммити минтақанинг энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича консолидациясига янги туртки бериши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур саммитда иштирок этиши эса Ўзбекистон ишонч, яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш ва долзарб минтақавий ҳамда халқаро муаммоларни ҳал этишда ўзаро мақбул ёндашувларни конструктив излашга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ: УРГУТДА ИЛДИЗ ОТГАН ОРЗУЛАР ВА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Юртимизда яратилаётган имкониятлардан қай даражада фойдаланиш инсоннинг ёндашуви, меҳнати ва масъулиятига боғлиқ. Баён этилган фикрлар ана шундай шароитда юзага келган амалий тажриба ифодасидир. Шу сабабли ёшларнинг қўлидан ушлаб, оёққа турғизаётган халқпарвар сиёсатга натижа билан жавоб қайтариш ҳар бир фаол фуқаронинг табиий бурчига айланмоғи керак.



Мажидхон ИСЛОМОВ,
“Urgut Sanoat Servis”
корхонаси раҳбари,
“Urgutini” бренди асосчиси

Бошланиши 1-бетда

Айнан шу муҳитда ишонч ва қўллаб-қувватлов билан шаклланган имконият туфайли тадбиркорлик фаолиятига дастлабки қадамлар қўйилди. Илк босқичда катта сармоя бўлмаган. Бироқ давлатнинг “Сен қила олсан” деган ишончи ташаббусни қанотлан-тирди. Ушбу ишончни оқлаш, берилган имкониятдан унумли фойдаланиш, ҳар бир ресурсни оқилона бошқариш орқали натижага эришиш асосий мақсадга айланди. Ургут эркин иқтисодий зонасида тақдим этилган солиқ ва кредит имтиёзлари, инфратузилма билан таъминлаш бўйича яратилган шароитлар орқали ғоя амалий бизнес лойиҳага айланди. Натижада ташкил этилган “BRED” тўқимачилик корхонаси шунчаки ишлаб чиқариш манзили бўлмай, балки ишончга берилган амалий жавоб, меҳнат маскани сифатида шаклланди. Бугунги кунда 100 дан ортиқ инсон доимий иш ўрнига эга. Уларга яратилган шароит, фарзандлари ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар мамлакатдаги халқчил сиёсатнинг амалий самарасидир.

Ҳар бир иш кунини кимгадир фойда, бошқасига имконият, яна биров учун иш жойи дегани. Тадбиркорлик иқтисодий натижалар билан бир қаторда жамият эҳтиёжларига ечим тақлиф қилиш йўли ҳамдир.

Очигини айтман, қилинган ишлар фақат битта мақсадга йўналтирилган: ўзимдек ёшларни “қўлидан ушлаб оёққа турғизаётган” давлатимиз сиёсатига амалий ҳаракат ва натижа билан жавоб қайтариш. Бу ёзилётган фикрлар эса шахсий фаолият тарихи ҳисобланмайдими, балки имконият эшиги очилгандан ундан қандай юз, қандай мақсад ва қандай таъсир билан фойдаланиш мумкинлигининг ҳаётий исботи сифатида қабул қилинишини аниглайди. Чунки тақдим этилган имкониятнинг нафақат совға, айна пайтда улкан масъулият деб қабул қилганман. Ана шу туйғу қалбимда яшай бошлаган кундан нафақат мен, балки биз билан бирга бўлган юзлаб инсонлар ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар бошлаб берганини ва бунинг ортидаги инсон қадри билан боғлиқ ўзига хос бурч турганини асло унутмайман.

Ургутдаги таъмирталаб бир бино, 30 квадрат метрли ижара цеҳи ва 5 нафар ёш билан бирга иш бошлаган илк кунларимизда ҳеч ким бу ишга катта келажақ боғлайди деб ўйламаган. Ҳатто ўша пайтда ўзимда ҳам ишонч ва қўқув ўртасида иккиланмиш бор эди: бир томонда масъулият ва жавобгарлик, иккинчи томонда эса оруз ва умид. Аммо айнан ўша пайтда бошланган сафаримизнинг ҳар бир кунини ишончини мустаҳкамлаш, тажриба тушулаш ва жамият ҳаётида амалий ҳисса қўшишга қаратилди.

Илк буюртмадир эркаклар учун 50 дона классик кўйлак эди. Бир қарашда оддий туюлган бу иш биз учун катта масъулият билан бошланган синов бўлди. Ҳар бир махсуслотга меҳнат ва эътиборни аямасдик. Микроизмизнинг чин дилдан қилган дуоси эса бизга катта руҳий қувват бағишлады. Шу кундан ишимизга ишонч орқа бошлады. Буюртмалар сони кўпайди, биз учун эса сифат ва масъулият қўндалик иш усулига айланди.

Бугун корхонамизда 18-30 ёшли 40 га яқин юртдошимиз бор. Уларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки устахоналарини очишга бел боғлаган. Биз уларни ҳаққат ишга жалб этибгина қолмадик, балки ҳар бирага маҳорат дарслари ўтдик, корхона ичида устоз-шогирд тизимини жорий қилдик. Ҳозир 20 нафар ёш ўзининг кичик устахонасини очишга эришди. Уларнинг ҳар бири 7 ва ундан кўп ёшни иш билан таъминляпти. Бу ёшлар, ўз навбатида, яна ўнлаб одамларга иш ўрни ярати бermoқда.

Эътироф этмасдан иложимиз йўқ, шу ишларимиз туфайли маҳалламиздаги айрим оилаларда иқтисодий аҳвол анча яхши томонга ўгарди. Илгари давлатдан нафақа олиб кун кўраётганлар орасида ҳозир ўз фарзанди корхонамизда ишлаб, оилавий даромад

келтираётганлари бор. Айрим ёшлар илк иш ҳақини олган кунни ота-онасига совға олиб келганини қўриб, юрагим завққа тўлиб, тўлқинланганман. Бу нафақат иқтисодий ўсиш, балки жамиятда ишонч муҳити қайта тикланаётганидан дарак эди.

Ишдаги шиоримиз бундай: ҳар бир буюртма ортида инсон тақдирини борлигини унутмаслик. Махсуслотларимиз нафақат сифатли бўлиши, балки инсонларга қўл келиши, уларга хурсандчилик бағишлаши кераклигини яхши аниглаганмиз. Шу боис, ҳар бир мато танловидан тортиб, дизайн ва қўллаш мумкин бўлган технологияларга ҳам замонавий ёндашувини жорий этдик. Бугун корхонамизда мода ва функция бирлашган кўйлақлар, махсус иш кийимлари, болалар учун мактаб формалари, ҳаттоки қўшни юртлардан ҳам давлат хизматчилари учун махсус кийимлар тикиб бераймиз. Матолар Туркия, Бангладеш ва Хитойдан олиб келинади. Барча махсуслотлар гиламдек тикилади, ҳар бир тугма масъулият рамзига айлган.

2019 йил ҳаётимдаги янги босқич, янги марраларнинг бошланиши бўлди. Ўша йили Ургут эркин иқтисодий зонасининг Мерганга массивидан 50 сотих ер ажратилиб, замонавий талабларга жавоб берадиган ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар қуришга бел боғладик. Ушбу лойиҳа доирасида Япония, Туркия ва Германиядан келтирилган юқори технологияли ускуналар асосида ишлаб чиқариш жараёнлари йўлга қўйилди. Янги ишоотлар нафақат ишлаб чиқариш ҳажминини оширши, балки юзлаб инсонлар учун муносиб меҳнат шароити яратишга хизмат қилди.

2024 йилда корхонанинг айланма маблаг 6,5 миллиард сўмини ташкил этди, соф даромад 1,5 миллиард сўм бўлди. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 8 миллиард сўмдан ва соф даромад 2 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар замирида, аввало, давлатимизнинг ҳуқуқий қаролатилган, Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси ва ёш тадбиркор-



ларга ишончи мужассам. Бу ишонч ҳозирги тадбиркорлик муҳитининг асосий танчига айланган.

Айниқса, Президентимиз қабул қилган қатор муҳим қарорлар тадбиркорлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос, иқтисодий ҳимоя ва аниқ йўналишлар берди. Улар қаторида 2021 йил 4 ноябрдаги “Ургут” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармон, шунингдек, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” орқали амалга оширилаётган ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари алоҳида аҳамият касб этди.

Унда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари, енгиллаштирилган кредитлар, инфратузилма билан таъминлашга қаратилган механизмлар орқали тадбиркорлик режаларини амалга ошириш имконияти вуҷудга келди. Ҳар бир чора-тадбирда ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, ҳаракатдаги ёшларга ишонч билан қараш руҳи сезилди.

Бугун биз фаолият юритаётган Ургут эркин иқтисодий зонаси янги босқич, янги марралар, янги интилишлар масканига айланган. Бизнесни ислохотлар ва қўлай муҳитсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо бу муҳит шунчаки яратилгани йўқ, бу ёшларга доимий эътибор ва қўллаб-қувватлов самараси деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, ҳар қандай фабрикага шунчаки иш жойи сифатида ёндашиш етарли эмас, улар инсоннинг дунёқарашини, келажақка ишончини шакллантирадиган масканга айланиб улгурди. Шу сабабли биз учун “**Фабрика бу — иш жойи эмас, дунёқарашини ўзгартириш макони**”дир.

Биргина мисол: корхонамизда ишлаётган ёшларнинг 70 фоизи аввал “Ёшлар дафтари”-да рўйхатда турган ишсизлар қаторида эди. Бугун улардан, юқорида айтганимиздек, 20 нафари ўзининг шахсий устахонасини очган бўлса, 30 нафари муҳандислик, технологик назорат ёки логистика соҳасида тажриба тўплаб, мустақил фаолиятини бошлаб юборди.

Биз янги иш ўринларини ташкил қилиш баробарида дуал таълим асосида кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳам фаол ишладик. Жумладан, тўқимачилик саноати йўналишидаги қатор олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари билан ҳамкорликда махсус дастур ишлаб чиқилди. Шу асосда 50 дан зиёд ёш 3 ойлик амалий машгулотларни тўғридан тўғри ишлаб чиқариш даврида ўтаб, иш тажрибасини бойитди.

Бу жараёнда улар фақат техника ёки машиналарни бошқаришни ўрганмади, улар ишлаб чиқариш маданияти, корхона ички интизоми ва меҳнат муносабатлари, энг муҳими, тадбиркорлик руҳини сингдириб олди. Ҳозир 10 нафари шу корхонада ишга жойлашган бўлса, яна 15 нафари таҳсилни давом эттириш билан бирга бизнес лойиҳасини ишлаб чиқмоқда.

Корхонамиздаги 30 нафар хотин-қиз учун алоҳида шароит яратилган: иш вақти қўлайлаштирилган, бола парварлиши учун махсус вақт ажратилган, атроф-муҳит гигиенаси ва ишбилармонлик муҳити инобатга олинган. Албатта, бундан ҳақли равишда фخرланаман: чунки янги иш ўрни яратиш, ишонч ўйотиш, ҳаётига туртки бериш ва бир инсон тақдирига ҳисса қўиш қўвончли жараёндир.

Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас, юрагидан из қолдирадиган воқеалар бўлади. Мен учун бундай бурилиш нуқтаси 2021 йил Ургут шаҳрига Президентимиз ташриф буюрган кунга тўғри келади.

Ўша кунни давлатимиз раҳбарига “Urgutini” бренди остидаги махсуслотларимизни тақдим этиш имконияти насиб этди. Президентимиз томонидан тадбиркорликка яратилаётган шароитлар, маҳаллий брендларни қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳақида айтилган сўзлар биз, ишбилармонлар учун катта илҳом бўлди.

“**Миллий махсуслотларимиз ўз бренди остида жаҳон бозорларига чиқши керак**” деган ғоялар сўнгги йиллардаги амалий ислохотлар билан уйғун ҳолда менга янги мақсадлар қўйишга туртки бўлди. Шу илҳом билан биз экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришни бошладик.

2024 йилда корхонамизда ишлаб чиқарилган эркаклар кўйлаги “**Urgutini**” бренди остида Европа Иттифоқи бозорларига чиқди.

Биз танлаган йўл



туб ўзгаришлар киритиш эди. Филиалда дастлабки 3-4 ой мобайнида иш ўргатиш жараёни ишлаб чиқариш билан уйғунлаштирилди. Ҳозирги кунга қелиб, бу ерда 30 дан ортиқ ҳодим доимий иш билан таъминланган.

Оқдарёдаги бу тажрибанинг самараси ўзини тезда кўрсатди. Шу асосда 2023 йилда Қорақалпоғистоннинг Нукус туманида, 2024 йилда эса Самарқанд вилоятининг Бўлуғтур туманида худди шу модель асосида янги филиаллар ташкил этилди. Айни пайтда барча филиалларда 100 га яқин ҳодим доимий иш билан банд, уларнинг олий иш ҳақи 3 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача етади.

Фаолиятимиз натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ошди, аҳолини касбга ўқитиш орқали маҳаллий мутахассислар базаси кенгайа бошлади. Бу тажриба кўрсатадики, маҳаллада бошланган кичик ташаббуслар ижтимоий барқарорлик, иқтисодий фаоллик ва руҳий кўтаринкиликка хизмат қилувчи омилга айланиши мумкин.

Тадбиркорлик борасидаги тажрибамдан аниқлашдики, бу фақат даромад манбаи ҳисобланмай, балки инсон ҳаёти, турмуш тарзи, фикрлаш усули, ҳаётига муносабатини ўзгартирувчи куч ҳам экан. Корхонамда иш бошлаган ҳар бир ёш нафақат маош, балки ҳаётдаги мақсад ва қадриятларни ҳис қила бошлайди. У ишли бўлса, оиласида фаровонлик бўлади, фарзандлари яхши еб-ичади, яхши кийиниб мактабга боради, таълимдан бошқа ташвиши қолмайди.

Албатта, инсон турмушидаги фаровонлик оиланинг ҳаётга муносабатини ўзгартирмай қолмайди. Чунки ота-онанинг кўнгли тўқ бўлса, фарзанд тарбиясида ҳам, таълимига муносабатда ҳам ижобий ўзгаришлар бўлади. Бундай оилаларда китоб ўқиш, концерт ва театрларга бориш одат тусига кириди. Маҳаллада ҳурматни ҳис этади, ижтимоий фаолликка интилади, ҳаётдан рози бўлади. Энг муҳими, маҳалла, жамият ва ватан учун жавобгарлик ҳисси кучаяди.

Шу боис, ишонч билан айта олам: “**Тадбиркорни кўп юрт маданияти бўлур!**”. Бу ибора ҳаёт ҳақиқати. Чунки маданият фақат китоб ёки санъатдан иборат эмас, балки меҳнатга муносабат, ҳаётга масъулият ва руҳий камоллик ҳам унинг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Дунё тажрибасига назар ташласак, Япония, Жанубий Корея, Германия каби ривожланган мамлакатларда ҳам кичик бизнес ва ўрта тадбиркорлик нафақат иқтисодий драйвер, балки маданиятни шакллантирувчи омил сифатида қўйлади. Бу давлатлар аҳолисининг маданиятини, тартибли ва масъулиятли бўлишида тадбиркорликнинг ролини инкор этиб бўлмайди.

Айни пайтда тарихга назар ташласак, Амир Темури касб эгалари, хусусан, ҳўнарманд ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали давлатни мустаҳкамлаган. Буюк саркарда бобомиз: “**Азми қатъий, тадбиркор, ҳўшёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир**”, деган эди. Бу фикр, аслида, тадбиркорликка юксак ишонч, жамият тараққиётида унинг хал қилувчи ўрнини кўрсатишини аңлаш лозим.

Жадидлар даврида эса тадбиркорлик фаолияти орқали жамиятда маърифат тараққиётига кенг йўл очилган. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида маънавий

камолот ва моддий фаровонлик ўртасидаги узвий боғлиқлиқни таъкидлаган ҳолда ҳар бир шахс ўз меҳнати орқали жамиятда маданиятга муҳит яратишга хизмат қилиши зарурлигини айтди.

Мамлакатимизда тадбиркорлар қатламини кенгайтириш борасидаги ислохотлар ҳам айнан маданиятга, маънавиятга ва маърифатли жамиятни барпо этишга қаратилганига аминан. Чунки маданиятга жамият ҳар бир фуқаронинг ҳаётидан рози бўлган, фарзандининг келажагига ишонган, шахсий тараққиёт ва умумий юксалишга интилган муҳитдир. Шунинг учун ҳар бир яратилган иш ўрни жамиятнинг маданиятини юксалтириш сари ташланган қадамидир.

Бугун Ўзбекистонда миллий брендлар остида махсуслот ишлаб чиқараётган юзлаб тадбиркорлар фаолият юритмоқда ва бу жуда муҳим кўрсаткич. Шу қаторда “**Urgutini**” бренди ҳам Ургутдан бошланиб, юртимизнинг бренд салоҳиятини халқаро майдонда намоён этаётган маҳаллий ташаббуслардан бирига айланмоқда.

2024 йилда корхонамизда тайёрланган 5000 дона эркаклар кўйлаги Литва ва Германия бозорларига етказилди. Бу экспорт натижасида “**Urgutini**” халқаро миқёсда ўз ўрнини топа бошлады. Туркия орқали йўлга қўйилган шартномалар ва режалаштирилган



савдо алоқалари эса маҳаллий махсуслотларнинг дунё бозорига ўз ўрнига эга бўлиш сари ташланаётган муҳим қадамлардан биридир. “Urgutini” бренди дастлаб шахсий ташаббус сифатида яратилган бўлса-да, вақт ўтиши билан у маҳаллий махсуслот сифатида ташқи бозорда ҳам танила бошлады. Жаҳоннинг турли мамлакатларида шу бренд номи билан аталган кўйлақлар харид қилинаётганини эшитиш, махсуслотимизнинг халқаро миқёсда ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини ҳис этиш имконини беради.

Маҳаллий бренд орқали мамлакат имижини шакллантириш — дунё амалиётида кенг қўлланиладиган тажриба. Италиянинг “Atmani”, Франциянинг “Lacoste” ва

АҚШнинг “Ralph Lauren” брендлари билан бу давлатлар ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини, маданий қадриятларини намоён этишга эришган. Шу нуқтан назардан, “Urgutini” ҳам маҳаллий ташаббус сифатида ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланишга интилмоқда.

Келгусида эса ушбу ташаббусни халқаро бозорда янада мустаҳкамлаш, Европа мамлакатларида савдо инфратузилмасини кенгайтириш ва маҳаллий махсуслотлар салоҳиятини таниқил қилишга қаратилган ҳаракатлар изчил давом эттирилади. Бу йўналишда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш устувор вазифалардан саналади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда яратилаётган имкониятлардан қай даражада фойдаланиш инсоннинг ёндашуви, меҳнати ва масъулиятига боғлиқ. Баён этилган фикрлар ана шундай шароитда юзага келган амалий тажриба ифодасидир. Шу сабабли ёшларнинг қўлидан ушлаб, оёққа турғизаётган халқпарвар сиёсатга натижа билан жавоб қайтариш ҳар бир фаол фуқаронинг табиий бурчига айланмоғи керак.

Ёшлик илҳом эмас — ҳаракат, имконият совға эмас — масъулият. Бугун юритилаётган сиёсат ёшлар салоҳиятини рўёбга



чиқариш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Бундай ишончга муносиб бўлиш учун эса тинимсиз меҳнат, ҳаққоний натижа ва юксак масъулият талаб этилади.

Имконият эшикларини очиб ва ундан оқилона фойдаланиш ҳар бир ёшнинг шахсий танлови билан боғлиқ. Энг муҳими, ана шу йўлдан ўтар эканмиз, ортимиздан бошқалар учун ҳам йўл очиб, ўз ҳиссамизни нафақат фойда, балки ижтимоий масъулият туйғуси билан адо этишни унутмаслигимиз керак.

Чунки янги Ўзбекистон ҳар бир юртдошимизнинг самимий ҳиссаси билан барпо этилаётган умумий ҳаракат, умумий мақсаддир.



Янги Ўзбекистоннинг Инвестиция сиёсати

Иқтисодий тараққиёт жамият раёнақининг мустаҳкам пойдевориға айланмоқда



Исmoil САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Боз устиға, 2017 йилда валюта бозори либерализация қилинган инвестицияларға ўз фойдасини эркин конвертация ва репатриация қилиш имконини бергани, солиқ юкинни камайтириш ва солиқ маъмуричилигини соддалаштириш мақсадида солиқ ислохоти ўтказилгани, бизнесни рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш тартиблари соддалаштирилгани, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инвестициявий низоларни ҳал қилиш механизмлари такомиллаштирилгани самара бера бошлади. Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган ва инвестициялар учун очик мамлакат сифатида халқаро ҳамжамият эътиборини тобора кўп жалб этмоқда. Бу жараёнда муҳим аҳамиятга эға асосий платформалардан бири Тошкент халқаро инвестиция форумидир.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакат иқтисодиёти учун янги имкониятлар эшигини очди. Очингани айтганда, глобал хавфсизлик ва барқарор ривожланишға жиддий таҳдидлар тобора кучайиб, геосиёсий жараёнлар кўз ўнгимизда шиддат билан ўзгараётган, жаҳонда қуролланиш пойғаси яна авж олган бир паллада инвестицияларни жалб этиш осон иш эмас. Ваҳоланки, иқтисодий инқироз асоратлари, молиявий ресурслар тақчиллиги туфайли жаҳон ялли ички маҳсулотининг ўсиш суръати кетма-кет ўн йилдирки пасаймоқда. Президентимиз табири билан айтганда, халқаро ҳуқуқ нормалари ва дипломатия кучи заифлашмоқда. Энг ачинарлиси, инсоният учун долзарб муаммолар — озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағаллик, иқлим ўзгаришлари каби масалаларға эътибор камаймоқда.

Шу боис, давлатимиз раҳбари халқаро инвестиция форумида дунёда тинчлик, адолат ва инсон қадрига умумий ишончнинг тиклаш, мождорларни фақат дипломатия йўли билан ечишға чақирди. Хусусан, иштирокчилар эътиборини дунёнинг энг ўткир муаммоларига қаратди. Глобал кун тартибидаги аша шундай муҳим масалалардан бири бу — қўшни Афғонистоннинг тинч ва барқарор ривожланишиға кўмаклашишдан иборат. Бу давлатнинг амалдаги ҳукумати билан халқаро майдонда конструктив мулоқот олиб бориш, унинг яққаланиб қолишиға йўл қўймаслик ҳар қаҳонгидан ҳам муҳим. Зеро, мазкур мамлакатдаги осойишталик ва иқтисодий ривожланиш ён-атрофдаги барча минтақанинг узоқ муддатли тараққиёти учун зарур омилдир. Чунки фақат хавфсизлик таъминлансагина, тараққиёт ва ҳамкорлик ҳақда гапириш мумкин. Афғонистон тинч бўлмас экан, занжир реакциясини келтириб чиқаради, атрофға беқарорлик уруғини сепади.

Нуфузли анжуман доирасида Президентимиз инвестициялар учун кенг имкониятларға эға бўлган турли соҳаларни таклиф этди. **Биринчиси, “яшил” иқтисодиёт соҳаси.** Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор, тоза, экологик безарар энергия ресурслари билан таъминлаш учун айнан “яшил” энергетикани ривожлантиришға астойдил киришган. Ўтган қисқа даврда бу соҳаға қарийб 6 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт-соатға етди. Кейинги беш йилда бу кўрсаткич 120 миллиард киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизға етказилди.

Электр тармоқларини янгилашға ҳам 4 миллиард доллар жалб қилиш, жорий йилда Самарқандда, келгуси йилдан яна 8 та ҳудудда электр тармоқларини хусусий шерикликка бериш режалаштирилган. Бундан ташқари, илк бор “яшил” сертификат ва углерод бирликлари савдоси бошланди. Шу йил глобал

углерод бозорларига қўшилиб, “Яшил Ўзбекистон” иқлим инвестициялари платформасини яратиш мақсад қилинган. Демак, мазкур мақсадларға эришиш учун хорижий инвестициялар сув билан ҳаводек зарур.

Иккинчи йўналиш — рақамли технология ва сунъий интеллект соҳаси. Бутун дунёда мазкур йўналишларда рақобат бошланган. Бутун у иқтисодиётнинг драйверига айланаётганини мамлакатимизда шу йилнинг ўзида IT экспорти 1 миллиард долларға етгани ҳам тасдиқлайди. 2030 йилға бориб, бу кўрсаткични 5 қарра ошириш мақсад қилинган. Бунинг учун яқин беш йилда хусусий инвесторлар билан бирға қуввати 500 мегаваттдан зиёд 20 та “дата марказ” барпо этилади.

Шунингдек, бой тарихимиз, азалий қадриятларимиз ҳамда янги креатив гоғларини мужассам этган сунъий интеллектнинг миллий модели ишлаб чиқилади. Давлатимиз раҳбари бошчилигида бу тизим самарадорлигини таъминлаш учун “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси алақачон бошланган. Халқаро инвесторлар кўмағи билан Ўзбекистон нуфузли IT ва Fintech хабиға айланишиға шубҳа йўқ.

Президентимиз таклиф этган ҳамкорлик ва инвестициялар учун **учинчи йўналиш — молиявий тизим ва технологиялар.** Улар банк, молия, сугурта, капитал бозори. Бу соҳаларни кейинги ривожланиш босқичиға олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистонда Молиявий барқарорлик кенгаши тузилади, Марказий банкда киберхавфсизлик ва молиявий технологиялар платформалари ишға туширилади. Миллий қайта сугурталаш компанияси ва Глобал қайта сугурталаш рақамли платформаси ташкил этилди.

Стартаплар учун муқобил молиявий инструмент — венчурлар бизда тез ривожланиб борапти. “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Хамкорлар билан биргаликда келгуси беш йилда венчур ва бошқа муқобил сармоёва инвестициялар янги иш ўринлари очиш, инфратузилмани ривожлантириш, технология-



Тўртинчи йўналиш — нодир металларни қазиб чиқариш соҳаси. Бугунги “тўртинчи саноат инқилоби” “технологик минераллар”ға талабини бир неча қарра кўпайтирмоқда. Ўзбекистонда вольфрам, молибден, магний, литий, графит, ванадий, титан ва бошқа минералларнинг катта захираси инқиланган. Умуман, ер ости бойликлари-мизнинг салоҳияти 3 триллион долларға баҳоланган. Минтақамиз минераллардан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш “хаби”ға айланиши учун Тошкент ва Самарқанд вилоятларида “Келажак металлари технопарки” бунёд этилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари геология-қидирув ишларидан бошлаб, тайёр маҳсулот занжирини йўлга қўйган инвесторларға ўн йил давомида рента солиғини қайтариб бериш ташаббусини илгари сурди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун қўлай иқлимға эға. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда етакчилардан. Тўқимачилик саноатида қўшилган қийматни ошириш учун инвестициялар зарур. Юртимиз бой тарихий ва маданий меросға эға. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш, йўллар, темир йўллар, аэропортлар ва бошқа инфратузилма объектларини модернизация қилишда ҳам хориж сармоёсининг аҳамияти ниҳоятда катта.



Ушбу форум нафақат инвестиция жалб қилиш, балки Ўзбекистонни халқаро бизнес ҳамжамиятиға танитиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини намойиш этиш учун ҳам муҳим майдон бўлди. У хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиётига сармоё кириштиш имкониятларини ўрганиш, янги лойиҳаларни муҳоама қилиш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун қўлай платформа яратди. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эға. Жалб этилган инвесторлар янги иш ўринлари очиш, инфратузилмани ривожлантириш, технология-

сиёсати натижасида мамлакатимиз Марказий Осиёдаги энг жозибадор инвестиция манзилларидан бириға айланди. Бюджет тақчиллигини камайитириш, ички банк секторини ривожлантириш, давлатға қарашли корхоналарнинг шартли мажбуриятларини камайитириш, хусусий секторнинг фаол ролини ошириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, техник таълимни кучайтириш, олий таълим ва саноат ўртасидаги тафовутни қисқартириш, билимға асосланган иқтисодиётни яратишда қатъий давом этиш, иқтисодий институтларни мустаҳкамлаш ва бошқалар янги Ўзбекистонда фаровон жамият қуриш мақсадларига эришишда муҳим омил бўлмоқда.

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида биринчи марта Миллий инвестиция кўргазмаси ташкил этилгани ҳам катта аҳамиятга эға. Унда етакчи хусусий компаниялар ўз лойиҳаларини тақдим этди, Ўзбекистон корхоналари эса ўз маҳсулотлари ва салоҳиятини халқаро инвесторларға намойиш этиш имкониятиға эға бўлди. Форум дастури панель муҳоамалари, стратегик музокаралар ва ишбилармонлик учрашувларини ўз ичига олиб.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, машинасозлик ва электротехника саноати масалалари асосий мавзулар сифатида эълон қилинди. Сув ресурсларини бошқариш, инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояси, финтех, электрон ти-жорат, “яшил” энергетика, хусусийлаштириш ва инвестиция ислохотлари, шунингдек, шаҳарсозлик ва рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Форумда 7500 дан ортик делегат, жумладан, 100 га яқин давлатдан салкам 3000 хорижий меҳмон иштирок этгани, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари, сиёсатчилар,

иштирок этгани Ўзбекистонға ҳурмат, ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликнинг чинакам фидоси бўлди. Юртимизда амалға оширилаётган турли инвестициявий лойиҳаларнинг шаффофлиги ва мазкур йўналишда бюрократик йўллардан қочилаётгани эса хорижий инвесторларда мамлакатимизда бизнес қилиш истганин ошираётгани бор гап.

Бутун дунёда ўзаро ишонч йўқолган бир пайтда сармоёларни жалб қилиш осон эмас. Бунинг учун инвесторларға маъқул келадиган ислохотлар ўтказиш керак. Ўзбекистон бу йўлда жиддий қадамлар ташлади. Биринчи форумдан кейинги ўтган уч йилда мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бизнесға кенг йўл очиш, бу борада қонун ус-туворлиги ва ҳуқуқий қафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотлар давом эттирилди.

Давлатимиз раҳбари форумдаги нутқида инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш ва ислохотлар изчиллигини таъминлаш йўлида Ўзбекистон дадил қадамлар ташлашини эълон қилди. Энг аввало, глобал ишлаб чиқариш занжирини ҳар бир давлат учун тенг шароитни таъминлайдиган ишончли қоидалар ўрнатилишида Жаҳон савдо ташкилотининг алоҳида ўрни бор. Шу боис, Ўзбекистон 2026 йилда ушбу ташкилотнинг аъзосига айланиш бўйича катта мақсад қўйган. Бунинг учун ўнлаб қонун, юзлаб стандарт халқаро талабларға мослаштирилди ва бу ишлар шу йил тўлиқ якуниға етказилди.

Мамлакатимизда хорижий сармоядорларға янада қўлай муҳит яратиш учун маҳаллий компаниялар билан бир хил шароитни қафолатловчи “миллий режим” жорий қилинади. Давлат органлари билан муносабатға киришишда “ягона дарча” тамойили татбиқ этилиш белгиланди. Инвестиция фаолиятини ортиқча текширувлардан қафолатли ҳимоя-



иқтисодчилар, етакчи корпорациялар ва инвестиция фондларининг топ менежерлари, барқарор ривожланиш, инновациялар ва рақамли трансформация соҳасидаги экспертлар

лаш тизими яратилади. Булар орқали 2030 йилға бориб Ўзбекистоннинг кредит рейтингини “инвестицион” даражаға олиб чиқиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, давлат компанияларини хусусийлаштиришда уларни юртимиз фаровонлигиға хизмат қилувчи йирик активларға айлантириш кўзда тутилган. Шу боис, 18 та йирик компания ва банкдаги қарийб 2 миллиард долларлик давлат улушини ўзида бирлаштирган “Миллий инвестиция жамғармаси” ташкил этилди. Жамғарма бошқарувиға нуфузли “Franklin Templeton” компанияси жалб қилинди. Келгуси йилнинг ўзида жамғарманин акциялар пакети халқаро IPOға чиқарилади. Шунингдек, профессионал консультантлар жалб қилиниб, икки йилда 29 та йирик давлат компанияси хусусийлаштирилади.

Транспорт ва логистика соҳаси ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг қон томири. Шу боис, бу соҳаға ҳам хусусий капитал фаол жалб қилинмоқда. Масалан, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва Ўрганч халқаро аэропортлари давлат-хусусий шериклик асосида салоҳиятли инвесторлар бошқарувиға берилди. Ўрганч аэропорти бошқарувиға дунёнинг етакчи “Инчон” компанияси жалб қилинди. Келгуси йилда Нукус, Термиз, Фарғона, Навоий аэропортлари бўйича ҳам тендерлар ўтказилади.

Яна бир муҳим йўналиш — пойтахтимизда яшаётган ва ишлаётган аҳоли сони 5 миллиондан ошди. Шу боис, 2 миллион кишиға мўлжалланган Янги Тошкент шаҳрини барпо этиб, пойтахтни мегаполисға айлантириш ишлари жадал давом эттириляпти. Бу ерда йилға 20 миллион йўловчиға хизмат кўрсатиш имониятиға эға аэропорт, темир йўл ва автомобиль транспортини қамраб олган “мультимодал хаб” қурилади. Йирик савдо комплекслари ва молия марказлари қад кўтаради. Ушбу мега-лоийҳани биргаликда амалға ошириш учун инвесторлар, халқаро молия институтлари ва хорижий банklar таклиф қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги қўшниларимиз билан очик ва дўстона сиёсат давом этишини баён қилиб, минтақада “Инвестиция ва савдо учун ахлият ҳудуд концепцияси”ни илгари сурди.

Бу таклиф ва ташаббуслардан чиқариладиган хулоса битта. Жаҳон тажрибасиға кўра, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишиға эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция бу — иқтисодиёт драйвери, иқтисодиётнинг юраги, десак муболаға бўлмайди.

Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишға тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришға еришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўплайи қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини беради. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоен этиш чораларини қўришимиз кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири.

Ривожланган мамлакатларда тўпланган бой тажрибалар, амалға оширилган ислохотлар, қабул қилинган қарор ва чора-тадбирларнинг туб моҳиятини ўрганиш, ютуқ ва камчиликларини илмий жиҳатдан танқидий таҳлил қилиш миллий иқтисодиётимиз тараққиёти учун ҳар томонлама дастак вази-фасини ўтайди. Бинобарин, халқаро майдонда мавжуд бўй тажриба, замонавий тенденциялар йилдан йилға такомиллашиб, ўзгариб бормоқда. Хусусан, инвестицияларни жалб этиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, инвестицион фаолият ва рақобатбардошлиқни ошириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласига киради.

Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатларо кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, сифати ва қўлай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан йилға инвестиция муҳити жозибадорлигини таъминлашға хизмат қиладиган инновациялар инструмента-рининг турли қўринишлари яратиб келинмоқда. Албатта, форум ўтказишдан қутилидиган натижалар барчамиз учун муҳим. Янги инвестиция шартномаларининг имзоланиши, янги лойиҳаларнинг бошланиши, иш ўринлари очилиши, инфратузилмани ривожлантиришға қўшимча маблағ жалб қилиниши, инвестициявий жозибадорлик ошиши, халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланиши шулар жумласидан.

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим воқеа. Ўзбекистоннинг ривожланиши, инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашға хизмат қилади. Форум мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини намойиш этиш, инвесторлар билан мулоқот ўрнатиш ва инвестиция муҳитини яхшилаш учун муҳим платформа бўлди.

У ЭНДИ ФАҚАТ УЙ БЕКАСИ ЭМАС

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОРТИБ БОРИШИГА НИМАЛАР ТУРТКИ БЕРАДИ?

Глобллашган дунёда аёлларнинг билим олиши, салоҳиятини намоён этиши ва давлат бошқарувида фаол иштироки тараққиётнинг ажралмас бўлагига айланган. Бу борада Ўзбекистон ҳам қатъий позицияга эга. Яъни гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олингани сўнгги йилларда аёлларнинг таълим, илм-фан ва бошқарув тизимидаги иштироки сезиларли даражада ортиб бораётганида яққол кўзга ташланмоқда.



Камола МУХИТДИНОВА, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотларига кўра, ҳозир олийгоҳларимизда 1 миллион 489 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Шундан 782 минги, яъни 52,5 фоизи хотин-қизлар. Магистратура босқичида ўқиётган талабалар эса 37 минг 839 нафар, уларнинг 23 минг 628 нафари — 62,44 фоизи талаба қизлардир. Давлат олийгоҳларининг магистратура босқичида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган хотин-қизларнинг контракт тўлови 2022 йилдан буён тўлиқ давлат бюджетли ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Охириги уч йилда бу мақсад учун 285,8 миллиард сўм йўналтирилди.

Фан доктори ва фалсафа доктори илмий даражасига эга аёллар сони тобора кўпаймоқда. Хусусан, ҳозир юртимизда 1200 дан ортиқ ёш оlima илмий изланишда. Улардан 400 нафари техника, тиббиёт ва табиий фанлар йўналишида фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, аёллар учун илмий грантлар сони оширилган. Жумладан, Аёллар инновацион лойиҳалари дастури доирасида 2022-2023 йилларда 150 дан ортиқ ёш оlima молиявий қўллаб-қувватланган. Оlima аёллар раҳбарлигида умумий қиймати 82,6 миллиард сўмлик 101 та илмий лойиҳа амалга ошириляпти. Хотин-қизлар

нинг 25,5 миллиард сўмлик 68 та стартап лойиҳаси молиялаштирилди.

2024 йил ҳолатига кўра, маҳаллий ва республика даражасидаги давлат бошқаруви органларида ишлаётган аёллар сони 38 мингдан ошган. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига янгидан сайланган депутатларнинг 38 фоизи хотин-қизлардан иборат. Бу Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткичдир. Ҳукумат таркибида ҳам бир неча аёл вазирлик ва қўмиталарни бошқариб келмоқда.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш бўйича тизимли ва босқичма-босқич ёндашув 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида белгилаб олинган. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилган стратегия таълим, саломатлик, иқтисодий фаоллик, сиёсий иштирок, ҳуқуқий ҳимоя, рақамли трансформация ва ижтимоий стереотипларни бартараф этиш каби устувор йўналишларни ўз ичига олади. Айниқса, аёлларнинг таълимга кириш имкониятини кенгайтириш алоҳида мақсад сифатида белгиланиб, қўйиладиган урғу берилгани диққатга сазовор:

— 2030 йилгача қизларнинг мактабгача таълимга қамровини 100 фоизга етказиш;

— ўрта ва олий таълимда гендер тафовутни бартараф этиш ва айниқса, СТЕМ (фан, технология, муҳандислик, математика) йўналишларида ўқиётган қизлар улущини 1,5 баравар ошириш;

— аёллар учун тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, уларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш орқали ўз ишини бошлашга шароит яратиш;

— аёлларнинг раҳбарлик лавозимларида 30 фоизли иштирокига эришиш;

— қизлар ва аёллар учун рақамли саводхонлигини ошириш, интернетдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали таълим ресурсларига тенг киришни таъминлаш;

— гендер ўзвонлигига қарши курашиш бўйича профилактика ва реабилитация марказларини ҳар бир вилоятда ташкил этиш;

— аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича бепул тренинглар ва маслаҳатчилик хизматларини кенгайтириш.

Ўзбекистонда аёлларнинг таълимга қизиқишини ошириш, касбий салоҳиятини юзага чиқариш ва иқтисодий фаоллигини таъминлаш мақсадида жойларда кенг қўлланми ташаббуслар амалга оширилмоқда. Айниқса, аёлларни касбга ўргатиш, уларни олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига жалб этиш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича эришилаётган натижалар салмоқли. 2023-2024 йилларда Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Бухоро ва Фарғона вилоятларида маҳаллабй ишлаш



Имконият ва натижа

“Аёллар академияси” доирасида олий таълимга қамраб олинмаган, бироқ интеллектуал салоҳияти юқори қизлар учун бепул тайёрлов курслари ташкил этилиб, уларга тест синовларига тайёрланиш учун зарур ресурслар (китоблар, интернет, менторлар) ажратилмоқда. 2023 йилда ушбу академиялар орқали 5 мингга яқин қиз олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

тизими асосида самарадорлик ошди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида бир йилда 8200 аёл касб-хунарга ўқитилди, улардан 2300 нафари “Аёллар дафтари” орқали имтиёзли кредитлар асосида ўз ишини бошлади. Қашқадарёда эса 5 мингдан ортиқ аёл замонавий касблар — компьютер саводхонлиги, график дизайн, тикувчилик, агротехника ва косметология бўйича қисқа муддатли курсларни муваффақиятли якунлади. Фарғона вилоятида “Қизлар академияси” лойиҳаси доирасида 1500 дан ортиқ мактаб битирувчиси учун олий таълимга тайёргарлик кўришга қўмаклашувчи бепул курслар ташкил этилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Дўстлик алоқалари

МАДАНИЙ ВА МАЪРИФИЙ RIШТАЛАРНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ ҚЎР ОЛМОҚДА



Тарих саҳифаларини варақласак, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданият, илм-фан ва адабиёт соҳаларидаги алоқалар минтақамиз тараққиётининг ажралмас қисми эканига гувоҳ бўламиз. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги адабий-маърифий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиб, дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганини ана шу тарихий боғлиқлиқнинг давоми дейиш мумкин.



Нозилия НОРМУРОДОВА, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори, профессор

Ташқи сиёсатдаги очиқлик ва ўзаро тенгликка асосланган ёндашув натижасида Ўзбекистон халқаро майдонда жадал ривожла-

иқтисодий, балки маданий ва илмий соҳалардаги ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда “Марко Поло ва Ўзбекистон: асрлар бўйи маданий мулоқот” номли нодир асар эътиборимизни тортиди.

Ушбу китоб машҳур италян сайёҳи Марко Полонинг XIII асрда ёзилган “Il Milione” асарининг замонавий ўзбек тилига таржима қилинган илк нақли бўлиб, уни тарих, тил ва маданият соҳаларида мамлакатларимиз ўртасидаги чуқур алоқаларнинг рамизи сифатида эътироф этиш мумкин. Бу асарда XIII асрда Марко Полонинг Ўзбекистон ҳудуди орқали икки марта — 1260 йиллар бошларида ҳамда 1271 йилдан амалга оширган сафарлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Таржима Жованни Баттиста Рамузиё томонидан XVI асрда тайёрланган манбага асосланади. Унда Ўзбекистоннинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳақида сўз юритилган. Биринчи китобнинг 30-бобида Самарқанд ҳақида алоҳида фикрлар билдирилган. Бухоро ва Самарқанд нафақат Марказий Осиёнинг географик марказлари, балки мўғуллар босқини, савдо йўллари ва маданий алмашувларнинг тимсоли ҳамдир. Китобда ушбу жойлар, уларнинг тарихий аҳамияти ва ўзига хос гўзаллиги таърифланади. Айниқса, Самарқанд боғлари, меваси ва савдо карвонлари шовқини тасвирида минг йиллик цивилизация юксалиши, одамларнинг меҳнати ва озуллари акс этган.

Асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши асрлар оша давом этиб келаётган алоқа-



“Ҳозир биз италиялик олимлар билан ҳамкорликда “Бобурнома” асарининг кўп тилли электрон корпусини яратиш устида ишлаяпмиз. Бу лойиҳа сунъий интеллект асосида такомиллаштирилади ва буюк қомусий асар — “Бобурнома”дан ҳаёгон китобсеварлари, олимлари ва талабалари баҳраманд бўлади.

ларнинг яна бир бор ёдга олинишига туртки бўлди дейиш мумкин. Бу китоб Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Венециядаги Ка-Фоскари университети ташаббуси билан тайёрланди. Китобга Венеция Ка-Фоскари

вий касбларни эгаллади. Республикамизда фаолият юритаётган 1300 дан ортиқ кутубхонада эса қизлар ва аёллар учун алоҳида ўқув ҳамда тренинг ҳудудлари ташкил этилмоқда.

“Аёллар дафтари” орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон ёки вақтинча ишсиз аёллар аниқланиб, улар касб-хунарга ўрганиш, психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқув марказларига йўналтирилмоқда. Икки йил ичида мазкур тизим орқали 180 мингга яқин аёлнинг бандлиги таъминланди.

“Аёллар академияси” доирасида олий таълимга қамраб олинмаган, бироқ интеллектуал салоҳияти юқори қизлар учун бепул тайёрлов курслари ташкил этилиб, уларга тест синовларига тайёрланиш учун зарур ресурслар (китоблар, интернет, менторлар) ажратилмоқда. 2023 йилда ушбу академиялар орқали 5 мингга яқин қиз олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

2023 йилдан бошлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қизлари учун ҳудудий олий таълим муассасаларида 2000 дан ортиқ давлат гранти ажратилиши йўлга қўйилди. Бу грантлар орқали қамраб олинган ёшларнинг ярмидан кўпи

айнан қишлоқ жойларда яшовчи қизлардир.

Ўзбекистонда аёлларнинг таълимга кенг жалб этилишида нафақат давлат муассасалари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ташкилотларнинг ҳам ўрни бор. Уларнинг фаолияти кўп ҳолларда инновацион лойиҳалар, грант дастурлари, техник ёрдам ва маслаҳат хизматлари орқали амалга оширилмоқда. Иқтидорли хотин-қизларнинг хорижда малака оширишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили 105 нафар ёш олиманинг илмий стажировкаси молиялаштирилди. Улар Буюк Британия, Туркия, Россия, Венгрия, Беларусь, Италия, Испания, АҚШ, Хитой ва бошқа мамлакатларда тажриба орттириб қайтди.

БМТнинг Аёллар учун иқтисодий имкониятлар дастури доирасида 2021-2023 йилларда 10 мингдан ортиқ аёлни ўз ичига олган касбий ўқув курслари ташкил этилди. Ўқитиларнинг 60 фоизи ишга жойлашди. UNICEF қизларнинг мактабдан кейинги таълимга узлуқсиз ўтишини таъминлаш бўйича “Girls Empowerment Initiative” лойиҳасини йўлга қўйди. 30 мингга яқин ўқувчи қизни қамраган ушбу дастур 5 та вилоятда тажриба тариқасида амалга оширилмоқда.

Германия халқаро ҳамкорлик жамғармаси (GIZ) Тошкент, Бухоро ва Наманган вилоятларида “Аёллар STEMда” лойиҳасини йўлга қўйиб, техник ва рақамли йўналишларда ўқитилаётган 2500 ёш аёл-қизга грант ажратди.

Хусусий ўқув марказлари, масалан, “IT Park”, “Tech Academy” ва “Step Academy” аёлларни IT, график дизайн, дастурлаш, рақамли маркетинг каби замонавий касбларга ўргатиб, уларни мутахассис сифатида ишга тайёрламоқда.

Бундан ташқари, Буюк Британиянинг “Chevening”, Германиянинг DAAD, АҚШнинг “Fulbright”, Европа Иттифокнинг “Erasmus+” каби дастурлари орқали ўзбек аёлларининг хорижий олий таълим муассасаларида ўқиш имконияти ошяпти. Буларнинг бари сўнгги йилларда Ўзбекистонда аёллар таълимини ривожлантириш, уларнинг илмий, касбий ва ижтимоий фаоллигини ошириш борасида муҳим қадамлар қўйилганидан далолат беради. Сайёҳаракатлар нафақат аёлларнинг индивидуал ўсиши, балки бутун жамиятнинг интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бироқ бу борада эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ҳудудий тенгсизликларни бартараф этишда чекка жойларда яшовчи қизлар учун алоҳида грантлар, масофавий ўқув имкониятлари ва стипендияларни кенгайтириш зарур. Қизларни техника, муҳандислик ва IT соҳаларга йўналтириш учун мактаб давридан бошлаб дастурлар ишлаб чиқиш керак.

Ёш олимлар учун миллий ва халқаро грантлар сонини кўпайтириш, уларнинг илмий фаолиятини институтлар даражасида рағбатлантириш зарур. Қолаверса, гендер сиёсатида оид барча дастурлар самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона тизим ишлаб чиқиш мақсадида янада яқинлаштирилади.

Аёллар таълимига эътибор — жамиятнинг эртанги кунига инвестиция қилириши билан баробар ташаббус. Шундай экан, қизингиз, синглингиз, аёлингиз бўладими — барини бу борада қўллаб-қувватланг.

ва таҳрир жараёнида етакчи илмий марказ сифатида иштирок этиб, ушбу асарнинг илмий даражасини таъминлади.

Қайд этиш жоизки, бугун Ўзбекистон ва Италия университетлари ўртасида шаклланаётган маданий ва илмий ҳамкорлик айнан шу қадимий анъаналар устида қурилмоқда. Яқиндагина Венецияда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташаббуси билан Ўзбекистон бурчаги очилди. Жараёнда мен ҳам иштирок этдим ва айни чоғдаги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаб беришим қийин. Бу халқаро ҳамжамиятнинг маданиятимиз, қадриятларимиз ва тарихимизга эътирофи эди. Ушбу бурчак ўзбек адабиёти, тарихи ва санъати ҳақидаги китоблар, миллий хунармандлигимиз намуналари билан бойитилди, Ўзбекистон маданиятини Италиянинг илмий-маданий жамоатчилигига тақдим этиш имкониятини яратди.

Ёш тадқиқотчи Дурдона Эрматованинг бир ой давомидаги Ка-Фоскари университетида талаба ва тадқиқотчиларга ўзбек тили ҳамда маданияти бўйича ўтказган машғулотлари италияликлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Ҳозир биз италиялик олимлар билан ҳамкорликда “Бобурнома” асарининг кўп тилли электрон корпусини яратиш устида ишлаяпмиз. Бу лойиҳа сунъий интеллект асосида такомиллаштирилади ва буюк қомусий асар — “Бобурнома”дан ҳаёгон китобсеварлари, олимлари ва талабалари баҳраманд бўлади.

Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ҳамкорлик бугун тарихий ришталарга асосланган, аммо замонавий дунё талабларига жавоб берадиган стратегик шерикликка айланмоқда. Олий даражадаги сайёҳаракатлар мамлакатларимиз ўртасида тил, таълим, маданият ва дипломатия соҳаларида янги ютуқлар сари йўл очмоқда. Тарихий китоблар, замонавий таълим дастурлари ва маданий кўрғазмалар халқаро майдонда Ўзбекистон овозининг янада баралла янграшига хизмат қилаётди. Бу ҳамкорлик нафақат ўтган асрлар маданий мулоқотининг давоми, балки келажақ учун ишончли пойдевор ҳамдир.



Миллат фидойилари

ҚАҲРАМОНИМ БОЛАМ

(Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тоғларида халқаро террорчи жангари тўдаларга қарши ҳаракатларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, “Жасорат” медали соҳиби — Қаҳрамон Мадалимовнинг онаси Ачанисо ая фарёди)

Қирон келсин зolimларга, жоним болам,
Қулаб кетди бошимга осмоним, болам,
Дод солишга йўқ менда дармоним, болам,
То ўлгунча қалбимда армоним, болам.

Сариосиё тоғларида оқди қонинг,
Сен ўлгунча ўлсин эди онажонинг,
Юрагингда қолди қанчалар армонинг,
Ватан учун кўкраги қалқоним, болам.

У қонхўрлар тўнгиз каби ўлар бир кун,
Аллоҳ берган жазосини олар бир кун,
Дузахларнинг оловида ёнар бир кун,
Икки кунлик дунёда меҳмоним, болам.

Сен элим деб ўз жонингни бериб кетдинг,
Иймонингни, виждонингни бериб кетдинг,
Юлдуз тўла осмонингни бериб кетдинг,
Томиримда тўлиб-тошган қоним, болам.

Зухра келин ҳижронингда қон йиғлайди,
Кўзларидан оққан ёшлари музлайди,
Онанг сени сара тонлардан излайди,
Бунча эрта келди зимистоним, болам.



Аллоҳ жазо берсин қаддим букканларга,
Қўролмасдан юртимга кўз тикканларга,
Лънат дейман қонхўрларни туққанларга,
Қабринг нурга тўлсин — Қаҳрамоним, болам.

МЕН ТИНЧЛИКНИНГ ҚУЧОҒИДА ЯШАЯПМАН!

(Қаҳрамон Мадалимовнинг қизи Ёдгоранинг мунгли ноласи)

Болаликнинг орзулари кўкка учди,
Хаёлимни айрилиқнинг ёди кучди.
Бу оламда Қаҳрамоним отам менинг,
Юрт ишқиди ёниб турган чўққа тушди.

Тинчлик учун эл дардига фидо бўлди,
Жондан суйган Зухрасидан жудо бўлди.
Тарихимиз сўзлаётган Нишон бобом,
Қаҳрамоннинг ҳижрониди адо бўлди.

У олдин ҳам айрилиқдан кўйган эди,
Шуҳратжонни ёва бериб кўйган эди.
Афгонларнинг ноласида қулоқ солиб,
Уруш доғин юрагига тўйган эди...

Куvasойда қўвнайпти қушлар бу кун,
Болажонлар кўрар оппоқ тушлар бу кун.
Ота, сизнинг йўлингизда унган гуллар,
Тинчлигимиз офтобни хушлар бу кун.

Зайнураҳон опамизнинг бахти ҳаёт,
Нурга тўлиб яшнайётган тахти ҳаёт.
Марғилоннинг қўвнайётган Қумушлари,
Юрагиди ёзиб қўйган аҳди ҳаёт.

Олтинийнинг қўйган аъло баҳолари,
Жасоратга урув берган садолари.
Юрт олдида юзингизни ёрув қилгай,
Онамизнинг тонгда қилган дуолари.

Бизга ҳамроҳ Юртбошимиз тилаклари,
Ачанисо аям айтган эртаклари.
Донги достон, Қаҳрамоним отамизнинг,
Тупроғида гуллайпти юраклари.

Улар энди ғалабанинг боғидадир,
Қизалдоқлар муҳаббатнинг доғидадир.
Тинчлик учун олисларда кўчак очган,
Орзулари Сариосиё тоғидадир.

О, у тоғлар, юртимизнинг кўрғонлари,
Отам эса Соҳибқирон ўғлонлари.
Ёв йўлида тупроғини хор қилмагай,
Ўзбегимнинг наъра тортган арслонлари...

Йўлимизга пешвоя чиқар нури онлар,
Пешонамни силаб ўтган ҳур замонлар,
Ёдгоранинг бахти учун фидо бўлган,
Тупроғини суйган азиз Қаҳрамонлар.

Сизни давру давронларим унутмагай,
Тинчликсевар инсонларим унутмагай.
Байроғини ҳилтиратган Ўзбекистон,
Қалбидарё посбонларим унутмагай!

Ёдгораман, шамол каби шошьяпман,
Довонлардан гурурланиб ошьяпман.
Тонгда бахтли кунларимни кўйлар ҳаёт,
Мен тинчликнинг қучоғида яшаяпман!

Мен — тинчликнинг қучоғида яшаяпман...

Ахтамқули

Ёз ёмғири Қувасой қир-адирларига ўзгача тароват, файз беради. Қуёш тафтидан силласи қуриб бораётган дов-дарахтлар жонланиб, сарғайган қирлар қайтадан яшилликка бурканди. Пишиқчилик мавсуми бўлгани учун боғу роғлар одамлар ва турнақатор машиналар билан янада гавжум.

ВАТАН МАРД ЎҒЛОНЛАРИНИ УНУТМАЙДИ

Қир-адирлар бўйлаб чўзилган туя ўрқачидай йўллардан ўтиб бора эканман, хаёлимни турфа фикрлар чулғайди. Жасорати абадиётга муҳланган қаҳрамонлар билан ғойибона суҳбатлашишга уринаман. Кўз ўнгимда ногўл ва паҳлавон ўзбек ўғлонлари сиймоси гавдаланади. Улар яшашга ҳақли эди. Аммо ватан тинчлиги, дахлсизлиги йўлида ўлимга тик борди...

Улардан бири 28 ёшида ҳаёт шами сўнган, икки фарзанднинг отаси, жасур ўғлон Қаҳрамон Мадалимов бўлади. Унинг уйига бориб, оила аъзоларининг дил жараҳатини янгиллаш, ўша машғум кундаги хотирасини қайта тиклаш мен учун оғир кўринарди. Аммо мардлик, матонатни унутиб, яшириб бўлмас экан...

Қувасой шаҳридаги Суфон қишлоғида туғилиб ўсган ҳарбий йигит 2000 йил августда Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудида террорчиларга қарши жангга киришди ва қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ўшанда у аини навқирон ёшда эди.

Қаҳрамон 1991 йил йигитлик бурчини ўташга йўл олди. У ҳарбий хизмат давомида жисмонан ва маънан чиникди. Намунали ҳуққи билан сафдошларига ўрнак бўлди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида унда ҳарбий бўлиш истаги туғилди. Бу ўй қатъий қарорга айланди ва 1993 йилдан бошлаб шартнома асосида хизматни давом эттирди. Шу тариқа Қаҳрамон ишнинг етук мутахассиси бўлган тажрибали ҳарбий хизматчи сифатида қуролдошлари орасида ҳурмат-эътибор топди.

КУНЛАРНИНГ БИРИДА...

Атрофни тун пардаси қоплади, ҳамма ширин уйқуда. Қаҳрамоннинг уйқуси қочди. Яқинларини уйғотиб юбормаслик мақсадида даҳлизга чиқиб, курсига ўтирди. Турмуш ўртоғининг безовталигини илганган аёл унинг ёнига келди.



Қаҳрамон туғилиб ўсган қутлуг масканга аввал ҳам келган эдим. Шунга ҳам чорак аср бўлибди. Ўшанда Нишонбой ака, Ачанисо хола, қаҳрамонимизнинг турмуш ўртоғи Зухраҳон билан суҳбат қилган, кўнгли сўраган эдим...

— Уй манзилини биласизми, узоқ кетиб қолмаёмизми? — дея хаёлимни бўлди ҳайдовчи ҳамроҳим.

— Йўқ, шундоқ катта йўл бўйида, — дейман Суфон қишлоғидаги мевали дарахтлар оралаб қурилган файзли хонадонларга боқиб. Эътиборимни йўл бўйида ўрнатилган ёдгорлик лаъча тортди. Унда суфонлик қаҳрамон ҳақида маълумот берилган. Шу тариқа манзилга етиб келдик. Бизни уй бекаси Зухраҳон самимий қарши олиб, ичкарига бошлади.

Йиллар силсиласида ҳаёт синовларига қарши мардона курашган аёлнинг сабр-тоқати, матонатига таҳсин айтаман. Ўшанда у ҳам кўнгли орзуларига тўлган ва эндигина 24 яшар келинчақ эди. Йиллар ўз таъсирини кўрсатиши бор гап. Қурилиши чала қолган уйлар битибди, Қаҳрамон ўтказган узум, мевали дарахтлар ҳосилга кирган. Зухраҳон ана шу ҳаёт синовларида тобланиб, мард, ўктам она сифатида элда ҳурмат, иззат топди...

Зухраҳон 1995 йилда Қаҳрамон билан турмуш қуради. Улар нафақат бир оила, балки ҳамкасб, ҳамфикр инсонлар эди. Қаҳрамон Марғилон, Зухраҳон Фарғона тиббиёт билим юртини тамомлаганди. Бу узвийлик онлани ҳар жиҳатдан мустаҳкамлади, меҳр-муҳаббат ришталарини жўш урдирди. Бир йилдан кейин оилада фарзанд дунёга келди. Унга Зайнура деб исм қўйишди. Қаҳрамон ўз оиласини жондан ортиқ севарди, турмуш ўртоғи ва фарзандларини ардоқлаб, меҳр бериб, меҳр топганди.

— Тинчликми, бирор жойингиз оғрияптими? — хавотир билан юзланди у.

— Йўқ, шунчаки ўзим, — деди Қаҳрамон ўйчан оҳангда ва гапида давом этди: — Сизларни жуда яхши кўраман. Мен билан мана шундай заҳматли ва шарафли йўлни босиб ўтиш учун барча қийинчиликларга тайёр бўлган сиздек дилкашим, фарзанд ва яқинларим борлигидан фахрланаман...

Ётоғига қайтган Қаҳрамон жажжи қизалоғи бошини оталарча меҳр билан силади. Ширин уйқуга чўмган тиниқ юзларига узок тикилди. Бу нигоҳда қизини худди биринчи ва охириги марта кўраётгандай ҳайрат, соғинч ва яна киши билмас туйғулар қорилиқ эди.

...Тоғ дараларида кечган шиддатли жангда ҳамма бир мақсад йўлида бирлашди. Ватан сарҳадида бостириб кирган террорчиларни йўқ қилиш мақсади сари олға интилди. Тушдан сўнг ҳарбийларимиз Киштут дараларини ўз назоратига олди. Аммо қоялар ортига яширинган босқинчилар осонликча таслим бўлишни истамасди. Қаҳрамон отишмалар чоғида яраланган қуролдошларига тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга ўзи ҳам жангда иштирок этди. У душманга зарба бериш чоғида оғир яраланди. Ярадор ҳолида олдинга интилди, кўзлари тиниб, мадорсизланди. Бироқ душманларнинг силжишига йўл бермади. Ватан сарҳади учун қалқон бўлди. Ҳарбий хизматчилар сабаб тинчлик, шуқуҳли кунлар қайтди. Аммо ватаннинг мард ўғлони Қаҳрамон уйига

омон қайтмади. Унинг ёди юртдошлари қалбида мангуга муҳрланди.

Сержант Қаҳрамон Мадалимов вафотидан сўнг “Жасорат” медали билан тақдирланди.

ЯХШИЛАР МЕҲРИДАН КУЧ ОЛИБ

Қутилмаган хабар мушфиқ аёлни эсанқиратиб қўйди. Энди атак-чечак қилаётган қизалоқ, ҳали дунёга келмаган норасиданинг ҳаёт йўли онани йўлантирган эди. “Энди нима бўлади? Наҳотки, ҳамма нарсга тугаган бўлса?!”

Аммо яқинлари, давлатимиз Зухраҳон ва унинг оила аъзоларини ёлғизлатиб қўймади, меҳр берди, қўллаб-қувватлади.

— Турмуш ўртоғининг мард ва жасурлиги, ватанга, ҳарбий бурчига садоқати барча учун намуна, — дейди Зухраҳон маҳзун оҳангда. — У ҳақиқатан бошқача, ота-онани, оиласи, ака-укаларига меҳрибон, ширинсўз, саҳий инсон эди. Афсуски, ҳаётдан эрта кетди. Юртимиз, халқимиз тинчлиги учун жон фидо қилди. Биз уни жисман йўқотган бўлсак-да, маънан ҳамон биргамиз. Турмуш ўртоғим мангу қўним топган жой уйимизга жуда яқин. Мен унинг меҳр-муҳаббати, ёнимда елкадош бўлиб турганини ҳаммаша ҳис қилиб яшайман. Тўнгич қизим Зайнура Фарғона давлат университетида таълим олиб, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб хизмат қияпти. Ёдгори Андижон давлат тиббиёт университетини муваффақиятли тамомламоқда. Ҳаммаси уйли-жойли, бир этак набиралар қуршовидаман.

Қаҳрамон туғилиб ўсган кўчага унинг номи берилган. Таҳсил олган мактабда бюст ўрнатилиб, хотира бурчаги ташкил этилган. Кенг жамоатчилик вакиллари бу ерга тез-тез келиб туради. Қаҳрамоннинг болалик ва ўқувчилик йилларини хотирлайди, ўқувчи ёшларга намуна қилиб кўрсатади.

Кенжа қизи Ёдгора отасини кўрмади. У фақат отасининг суратларига термилиб, меҳрини соғиниб улғайди. Лекин ўқимади, мана шундай мард, жасур отаси, ватан ҳимояси учун жонидан кечган инсоннинг фарзанди экани билан фахрланиб яшади, унга муносиб бўлишга ҳаракат қилди.

— Мустақиллигимизни абадий сақлаш осон иш эмаслигини яхши биламан. Чунки отам тинчлик йўлида жонини қурбон қилганлардан, — дейди Ёдгора уй тўрида турган суратларга термилиб. — Бу оиламиз учун жуда катта йўқотиш эди, албатта. Ўша пайтда опам 5 ёш, мен онам вужудда 3 ойлик бўлганман. Айтишларича, бу фожиадан сўнг онам бутунлай ўзини йўқотиб қўйган. Лекин отамга муҳаббати, садоқати ва вафоси туйғайли ўзида қайта куч топа олган. Ҳаётини бизга бағишлаб яшаб келаяпти. Шундай юртининг мард, жасур ўғлонининг қизи эканимиздан фахрланамиз. Яхши инсонлар меҳри, эътиборини ҳис қилиб яшаймиш. Давлатимиз раҳбари бизга оталарча ғамхўрлик кўрсатиб, бошимизни силаяпти. Отам тиббиёт институтида таҳсил олиб, яхши шифокор бўлишни орзу қилган экан. Аммо иш, хизмат билан бўлиб, орзулари ушаммай қолган. Шукрки, отамнинг армонлари рўёбга чиқди. Имтиёз асосида Андижон давлат тиббиёт университетида ўқишга кириб, давлош факультетини тамомлаётиман. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни Тошкент шаҳридаги Ғалаба боғи ҳудудида яна бир мажмуа — “Миллат фидойилари” хиебони қад ростлади. У ерда отажоним сиймосини кўриб, ватан ўз қаҳрамонларини асло унутмаслигини чин дилдан ҳис қилдим.

Эл-юрт бошига иш тушганда этик кийиб, сув кеҳанлар руҳини шод этиш чин инсонлик белгиси. Қаҳрамон Мадалимов мангу уйқуга кетганига 25 йил бўляпти. Аммо бу хонадонга келиб-кетувчи, уларни йўқлайдиганлар кўп. Чунки Қаҳрамон қисқа умри давомида ўзидан муносиб ном қолдирди. Янги Ўзбекистондаги инсон қадрини улуглаб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ислохотлар сабаб эса миллат қаҳрамонлари ном юксак шараф топди. Қувонарлиси, ана шундай қаҳрамонларимизнинг бошлаган ишини бугун фарзандлари муносиб тарзда давом эттирмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақланган.
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.
36191 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет услубида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хурийд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 22:00 Тошхирлиди — 23:55